

## Ихтиёрий садақа



16:00 / 01.09.2021 4156

Бошқа ибодатлардаги каби, садақа ва хайр-эҳсонда ҳам фарзу вожибдан кейинги ўринда ихтиёрийси туради. Албатта, садақанинг бу тури ҳам соҳибининг ўзига катта фойдалар келтиради.

«نَا: لاق ملسو هيلع لىل صي بِن ل ا ع ن ع ل ل ا ي ص ر س ن ا ن ع  
ي ذ م ر ل ا ه ا و ر . ء و س ل ا ة ت ي م ن ع ع ف د ت و ب ر ل ا ب ص ع ك ف ط ل ل ة ق د ص ل ل ا

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Албатта, садақа Роббнинг ғазабини ўчиради ва ёмон ўлимни даф қилади»,** дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Қай бир киши ҳалол-поқдан садақа қилса, Аллоҳ ҳалол-поқдан бошқани қабул ҳам қилмайди, албатта, Раҳмон у(садақа)ни ўнг қўли билан қабул қилиб олади. Агар у бир дона хурмо бўлса ҳам Раҳмоннинг кафтида ўсади. Ҳаттоки тоғдан ҳам катта бўлиб кетади. Худди бирингиз тойчоғи ёки бўталоғини тарбия қилганидек», дедилар».**

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Термизий:

«Бунинг тасдиғи Аллоҳ азза ва жалланинг Китобидадир: «Аллоҳ рибони нобуд қилур ва садақаларни ўстирур»ни зиёда қилган.

دَابِعْ لِحَبِصِي مَوِي نَمَام: لَأَقْمَلَسُو هِي لَعَل لِي لَصِي بِن لَلِ نَعُ نَعُ وَا  
لُ وُقَي و، أَفَلَحَ أَقْفَنُ مَطْعًا مَّوَلَلِ: أَمْ دَحَ لُ وُقَي فَنَ لَزَنِي نَا كَلَمَ لِي هِي ف  
يئاسن لاول ناخيش لامله اور. «أفَلَتِ أَكْسَمُ مَطْعًا مَّوَلَلِ: رَحَّالِ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Бандалар тонг оттирган ҳар бир кунда албатта икки фаришта нозил бўлади. Улардан бири: «Аллоҳим! Инфоқ қилувчига ўринбосар бергин», дейди. Иккинчиси эса: «Аллоҳим! Мумсикка йўқотиш бергин», дейди», дедилар».**

Иккисини икки Шайх ва Насоий ривоят қилишган.

Садақа эса сиртдан молнинг озайишига ўхшаб кўринса ҳам, аслида, Аллоҳ таоло садақаси берилган молни баракали қилиб қўяди. У эгасига юқади, бахт-саодат келтиради ва бало-офатлардан сақлайди.

Садақа ва хайр-эҳсон берувчи қўл яхши қўл, баракали қўл, хайр-эҳсонли қўл, ҳаммининг ҳавасини келтирадиган, Аллоҳга ва Унинг Расулига хуш келадиган қўлдир.

**«Руҳий тарбия» китобидан**